



Ислом Нури

айтдилар: «Қиёмат куни ҳар бир хиёнатчининг байроғи бўлади, «Бу фалончининг хиёнати», деб айтилади.»

Шарҳ:

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло аҳдга вафо қилишга буюрди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам аҳдга хиёнат қилишни мунофиқларнинг сифатларидан деб санадилар ва қиёмат куни хиёнатчи учун ҳаммага кўринарли қилиб катта байроқ тикилиши ва бу фалончининг хиёнатидир, деб уни халойиқлар ичида шармисор қилинишини хабар бердилар.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1. Хиёнаткорлик шариатимизда ҳаромдир.
2. У мунофиқларнинг сифатларидан ҳисобланади.
3. Қиёмат куни хиёнаткорлар шармандаи шармисор қилинади.